

Шайтон тузоғлари

10:10 / 27.03.2017 3090

Аллоҳ таоло Қуръони каримда бизларни шайтон йўлларида юрмасликка, ундан эҳтиёт бўлишга чақириб шундай дейди: "Эй, имон келтирганлар! Ёппасига итоатга киришингиз ва шайтоннинг изидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга аниқ душмандир" (Бақара, 208).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам доимо Аллоҳдан шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ сўрар эдилар.

Шайтон инсонга очиқ душман бўлгани учун ҳам уни ёмонликларга бошлайди. Келинг, ўша ёмонликларни биргаликда қисқача кўриб чиқайлик.

1. Ширк ва куфр.

Шайтон мусулмон кишини Аллоҳга ширк ва куфр келтиришга бошлайди. Агар Аллоҳ инсонни бу оғир гуноҳдан сақласа, шайтон ноумид бўлиб, кейинги ёмонликка ундашни бошлайди.

2. Бидъат.

Аслида, бидъатнинг бир қанча турлари бор. Бу ерда зикр қилинаётгани эса, ҳадисда ёмонлаб, залолат дея сифатланган, шариятга хилоф бўлган қабих бидъатдир. Агар шайтон бунга ҳам мусулмонни чорлай олмаса, кейинги ёмонликка ўтишга мажбур бўлади.

3. Гуноҳи кабиралар.

Энди шайтон инсонни катта гуноҳларни содир этишга бошлайди. Масалан, ота-онага оққ бўлиш, ўғрилиқ, зино, тухмат, ҳасад ва ҳоказолар. Ўша гуноҳларни инсонга чиройли, зийнатли ҳамда унинг кўзига кичкина қилиб кўрсатади. Агар Аллоҳ таоло у бандасини ўша гуноҳи кабирани содир этишдан сақласа, шайтон яна умидсизланиб, кейинги ёмонликлар туркумига ўтишдан бошқа чораси қолмайди.

4. Гуноҳи сағиралар.

Бунда шайтон инсонни сағира гуноҳларни кетма-кет қилишга ундайди. Албатта, кичик саналган гуноҳларни кетма-кет қилавериш, битта гуноҳи кабирани қилишдан хатарлироқдир. Кичик гуноҳлар деганда, катта гуноҳлардан ташқари, майда хато ва нуқсонлар тушунилади. Уламолар "Кичик гуноҳларни давомли қилавериш, уларни сағиралиқдан чиқариб, кабирага айлантиради" дейишган. Агар бунда яна Аллоҳнинг фазли билан сағира гуноҳлардан ҳам сақланса, шайтон ёмонликларнинг кейинги босқичига ўтади.

5. Мубоҳлар эшигини кенг очиб қўйиш.

Мубоҳ саналган ишларга кўп вақт сарфлатиш натижасида инсонни Аллоҳнинг зикридан, Унга ибодат қилишдан қолдиради. Масалан, кўп ейиш-ичиш, ўша еб-ичишга кўп вақт сарфлаш, кўп ухлаш, бу билан ундангаса, ялқов, ибодатларга сусткаш қилишга уринади. Агар шайтон бу босқичда ҳам муваффақиятга эриша олмаса, кейинги, яъни охириги босқичга ўтади.

6. Муҳим бўлмаган ишлар билан машғул қилиш.

Бунда шайтон инсонни савоби камроқ, аҳамияти пастроқ ишларни қилишга машғул қилиб қўяди. Натижада инсон савоби кўпроқ ва аҳамияти каттароқ бўлган ишларни қилишга вақт тополмай қолади. Кўп ҳолларда инсонларнинг аксарият қисми мана шундай аҳамияти камроқ ишларга кўмилиб қолишади. Масалан, нафл намозларга кўп эътибор қилингани ҳолда, қазо намозларга парво қилмаслик, қарздор киши қарзини тўлашга уринмай, нафл садақалар беришга ошиқиши, фарз, вожиб ёки суннат амал турганда мустаҳаб, мубоҳ каби амалларга берилиш ва ҳоказо. Саҳобалар Пайғамбар алайҳиссаломдан доимо "Аллоҳга энг ёқимли амал қайси?", "Амалларнинг энг афзали қайси?" каби саволларни беришар эди.

Аллоҳдан барчамизни шайтоннинг макру ҳийлаларидан сақлашини сўраймиз. Зеро, У зот бандаларига меҳрибон ва раҳимлидир.

Нозимжон Ҳошимжон